

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ
АҚШНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ,
ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР БЎЛИМИ
Молиялаштириш имконияти тўғрисида хабарнома - Йиллик дастур эълони

Дастур номи:	Маданият соҳасида йиллик кичик грантлар дастури
Дастур рақами:	TASHKENT-PAS-FY22-006
Ариза топширишнинг яқуний муддати:	Тахминий муддатлар: Биринчиси – 2022 йил 15 май; Иккинчиси – 2022 йил 15 июль.
CFDA рақами:	19.040 – Халқ дипломатияси бўйича дастурлар
Ҳар бир грантнинг максимал миқдори:	15 000 АҚШ доллари

БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ

- Ушбу таклиф талабларига жавоб беришда ёрдам олиш учун Tashkent-Program@state.gov га мурожаат қилинг
- Белгиланган билвосита харажатлар ставкаси (НИСПА) тафсилотлари ҳақида маълумот олиш учун қуйидаги электрон почта манзили орқали Дональд Ҳантер билан боғланинг - HunterDS@state.gov.

Кўп сонли ариза топширувчилар ва сўровлар сабабли, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (PAS) ариза топширишдан аввал мақсад баён этилган хатлар, концепция ҳужжатлари, учрашувлар учун сўровлар ёки телефон қўнғироқларини қабул қилмайди.

Ариза берувчининг ўзи унинг аризасига киритилган ҳужжатлар тўплами қабул қилувчининг манзилига тўлиқ етиб келишини таъминлаш учун жавобгардир. Тўлиқ бўлмаган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди. Ариза берувчиларга ариза топшириш муддати тугашидан анча олдин ариза тайёрлаш жараёнини бошлаш тавсия этилади. Бу борада керакли босқичларни бажармаган ташкилотлар учун истисно қилинмайди.

А. Дастур тавсифи

АҚШ Давлат департаментининг Тошкентда жойлашган АҚШ элчихонасидаги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (PAS) молиялаштириш имкони АҚШ элчихонасининг Демократия масалалари бўйича комиссияси Кичик грантлар дастури орқали мавжудлигини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастур молиялаштиришнинг устувор йўналишлари, биз эътибор қаратадиган стратегик мавзулар ва молиялаштириш учун ариза бериш тартибларини белгилаб беради. Қуйидаги кўрсатмаларни диққат билан ўқиб чиқинг.

Халқ дипломатиясига оид грантларнинг мақсади: Жамоатчилик билан алоқалар бўлими Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги маданий алоқаларни

мустаҳкамлаш ҳамда умумий қадриятларни таъкидлайдиган ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи устувор дастур йўналишини (қуйига қаранг) қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар бўйича таклифларни қабул қилади. Таклиф этилаётган барча дастурлар **Америка маданияти ёки америкалик экспертлар, ташкилотлар ёки институтлар билан боғлиқ бўлиши, АҚШ сиёсати ва истиқболларини чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган элементларни ўз ичига олиши зарур.** Таклифлар лойиҳа яқунланганидан сўнг ҳам АҚШ ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги доимий/барқарор ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмак беради.

Тақдим этилаётган дастурлар ўз ичига олиши мумкин бўлган, лекин фақат улар билан чекланиб қолмайдиган тадбирларга мисоллар:

- Академик ва профессионал маърузалар, семинарлар ҳамда спикерлар учун дастурлар;
- Бадий ва маданий семинарлар, кўшма чиқишлар ва кўргазмалар;
- Профессионал ҳамда академик алмашинув ва дастурлар;
- Маданий меросни муҳофаза қилиш ва сақлаш бўйича дастурлар.

Эслатма: Аризалар қабул қилинган кундан бошлаб кўриб чиқиши мумкин. Танлов комиссияси таклифларни аризалар қабул қилишнинг охиригидан кейинги 30 кун ичида кўриб чиқади. **Эрта тақдим этилган аризаларнинг кўриб чиқиши эҳтимоли юқорироқ бўлиб, молиялаштиришда устуворлик берилиши мумкин, шу сабабли имкон қадар тезроқ мурожаат қилиш сўралади.**

Дастурнинг устувор йўналишлари:

1. Санъат, маданият ва спорт дастурлари:

АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси тасвирий санъат, адабиёт ва фольклор, театр ва сахна санъати, кино, мусиқа, рақс, спорт ва таълим соҳасида бой маданий анъаналарга эга. Таълим ва маданий тадбирлар жамоатчилиқни, айниқса, хавф остидаги ёшлар гуруҳини жалб қилиш, маданиятларни яқинлаштириш, маданий алоқалар ва ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, ўзаро муҳим мавзуларни муҳофаза қилишнинг ажойиб усули ҳисобланади. АҚШ элчихонаси маҳаллий маданий меросни, анъанавий ва замонавий санъат турларини ҳамда Америка маданияти билан боғлиқ ёки унга асосланган ижодий ифоданинг бошқа шакллари тарғиб қилувчи санъат, таълим, спорт ва маданий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдордир. Ушбу дастурлар фуқаролик жамияти ташкилотлари, ноижорат ташкилотлари, таълим муассасалари ёки ушбу соҳаларда ишлайдиган янги етишиб чиқаётган раҳбарларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Санъат, маданият ва спорт дастурларининг мақсади Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда АҚШ маданияти ва қадриятларини тушунишни яхшилашдан иборат.

Масалан, 2018 йили Америка жаз гуруҳининг Фарғона водийсида ўтказилган Ўзбекистон жаз фестивалида иштирок этиши муваффақиятли амалга оширилган ана шундай дастурлардан бири саналади. Дастур Америка маданиятини тақдим этиш ҳамда минтақада қизиқарли янги ҳамкорлик ва алоқаларни ўрнатиш имконини берган.

Дастур мақсадлари (*Лойиҳа таклифлари ушбу вазифаларнинг бир ёки бир нечтасига қаратилиши мумкин*):

- Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги умумий қадриятларни таъкидлаш учун мўлжалланган таълим ва маданий дастурлар орқали Америка Қўшма Штатларидаги ҳаёт ҳақида хабардорлик ва тушунчани кенгайтириш
- Америка ва ўзбек рассомлари, мусикачилари, раққосалари, режиссёрлари, ташкилотлари ўртасида расмий ёки норасмий ҳамкорликни йўлга қўйиш, оммага очиқ ва қизиқарли контент яратиш мақсадида қуйидагиларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади:
 - ифода эркинлиги,
 - аёллар учун имкониятларни кенгайтириш,
 - бағрикенглик,
 - хилма-хиллик ва инклюзивлик ва/ёки
 - ёшларни жалб қилиш/ваколатларини кенгайтириш.
- Ўзбекистонда маданий меросни асраб-авайлашнинг аҳамияти ҳақида хабардорликни ошириш
- Маданий лойиҳалар орқали АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг 30 йиллик тарихи бўйича хабардорликни ошириш.

Лойиҳа иштирокчилари (*қуйидагиларнинг барчаси*):

- Ўзбек тилида сўзлашувчи жамоатчилик
- Қишлоқ жойларидаги ёки кам даромадли жамоалар
- Тошкентдан ташқарида, айниқса, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги ёшлар
- Ижтимоий соҳадаги тадбиркорлар
- Университет ходимлари, ўқитувчилари, талабалари
- Рассомлар / Ҳунармандлар
- Спортчилар

2. Аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш:

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси аёллар ҳуқуқларини ва имкониятларини кенгайтиришни стратегик йўналиш сифатида кўриб, ҳар икки ҳукумат 2021 йилда миллий гендер стратегиясини тасдиқлаган. АҚШ ҳукумати гендер тенглиги ва тенгҳуқуқлик нафақат инсон ҳуқуқлари ва тенглиги масаласи, балки инклюзив иқтисодий ўсишни рағбатлантириш; тинчлик, хавфсизлик, низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилишга кўмаклашиш; гендер асосидаги зўравонликка қарши курашиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Бу бизга иқлим инқирози, мажбурий кўчирилиш, COVID -19 пандемияси ва улар билан боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий инқирозлар каби глобал муаммоларни самаралироқ ҳал қилиш имконини беради.

Аввалроқ молиялаштирилган лойиҳа доирасида Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида яшовчи аёлларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши ақс эттирилган “Булутлар ортида” деб номланган фильм намойиш этилди. Намойишдан сўнг Фарғона водийсидаги маданий меъёрлар, гендер роллари ва ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга бағишланган суҳбат бўлиб ўтди.

Лойиҳа мақсадлари:

- Аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини қўллаб-қувватлаш бўйича имконият ва ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув дастурлари орқали хотин-қизларнинг касбий салоҳиятини ошириш.
- Ижодий соҳалардаги аёллар, жумладан, рассомлар, муסיқачилар, раққосалар ва кино ижодкорлари учун бизнес тренинглари ва ёки профессионал ўсиш орқали касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш.

Лойиҳа иштирокчилари (қуйидаги барча иштирокчилар):

- Қишлоқ ёки кам ривожланган жамоалардаги аёллар
- Ишбилармон аёллар
- Ижодий соҳада ишлайдиган аёллар

В. Федерал грантлар ҳақида маълумот

Молиялаштириш механизмининг тури: Ҳамкорлик шартномаси ёки грант

Лойиҳанинг давомийлиги: 12 ойгача

Кутилаётган грантлар сони: 10

Грантлар миқдори: 5 000 доллардан 15 000 долларгача.

Молиялаштириш шакли: 2022 молиявий йил – Халқ дипломатиясини молиялаштириш

Дастурнинг тахминий бошланиш санаси: Майгача топширилган аризалар учун 2022 йил 30 июль; Июлгача топширилган аризалар учун 2022 йил 15 сентябрь.

Ушбу билдиришнома молиялаштириш мавжудлигига боғлиқ.

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими маблағ мавжудлиги ва грантлар бўйича тайинланган ходимнинг розилиги билан АҚШ ҳукумати манфаатларига мос деб ҳисобланган ҳолатларда белгиланганидан камроқ ёки кўпроқ маблағ ажратиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ҳуқуқ берувчи қонунчилик, молиялаштириш тури ва йили:

Ушбу дастур Халқ дипломатиясига оид тегишли рухсатнома асосида молиялаштирилади. Барча дастурлар қонун билан белгиланган молиялаштириш чекловларига бўйсунди.

Молиялаштириш тури: Грант ёки ҳамкорлик шартномаси. Ҳамкорлик шартномалари грантлардан фарқ қилади, чунки PAS ходимлари лойиҳани амалга оширишда фаолроқ иштирок этадилар ва грант берилганидан сўнг уларнинг ўртача ва сезиларли даражадаги иштироки кўзда тутилиши мумкин.

С. Мувофиқлик тўғрисидаги маълумотлар

1. Ўзбекистон Республикаси ва АҚШнинг қуйидаги нотижорат ташкилотлари ариза топширишлари мумкин:
 - Нотижорат ташкилотлари

- Фуқаролик жамияти / ноҳукумат ташкилотлари
 - Аналитик марказлар (ақл марказлари)
 - Давлат ва хусусий таълим муассасалари
2. Ҳозирги вақтда тақдим этилган молиялаштириш имконияти учун харажатларни тақсимлаш ёки харажатларни мослаштириш талаб қилинмайди.
 3. Грантни олиш учун барча ташкилотлар SAM.gov тақдим этган ноёб ташкилот идентификаторига эга бўлиши ва www.SAM.gov сайтида ҳақиқий рўйхатдан ўтган бўлишлари зарур.
 4. Мазкур грант қуйидаги фаолиятлар учун мўлжалланмаган:
 - Бошланган фаолиятни якунлаш учун тўловлар;
 - Офис жиҳозлари;
 - Жорий иш ҳақи харажатлари;
 - Партиявий-сиёсий фаолият билан боғлиқ лойиҳалар;
 - Хайрия тadbирлари ёки ривожлантириш фаолияти;
 - Қурилиш лойиҳалари;
 - Муайян диний фаолиятни қўллаб-қувватловчи лойиҳалар;
 - Маблағ тўплаш кампаниялари;
 - Муайян қонунчилик ёки дастурларни қўллаб-қувватлаш;
 - Илмий тадқиқотлар ёки сўровлар;
 - Тижорат лойиҳалари;
 - Асосан ташкилотни кенгайтириш ёки институционализация қилиш учун мўлжалланган лойиҳалар;
 - Мавжуд лойиҳаларни такрорловчи лойиҳалар; ёки
 - Ноконуний фаолият.

D. Ариза топшириш жараёни ҳақида маълумот

Қуйидаги барча кўрсатмаларга диққат билан амал қилинг. Мазкур эълон талабларига риоя қилинмаган ёки ақс эттирилган талабларга жавоб бермайдиган таклифлар рад этилади.

Аризанинг мазмуни ва шакли

Қуйидагиларга эътибор қаратишингизни сўраймиз:

1. Дастур таклифларида мақсад, кўзланган аудитория ва вазифаларни аниқ ақс эттириш.
2. Барча ҳужжатлар инглиз тилида бўлиши.
3. Барча харажатлар АҚШ долларида ҳисобланиши.
4. Барча саҳифалар рақамланганлиги.
5. Барча ҳужжатлар 8 ½ x 11 ўлчамдаги қоғозда тайёрланганлиги;
6. “Microsoft Word” даги барча ҳужжатлар бир хил интервалли, Times New Roman, шриффт ўлчами 12 ва ҳошияси камида 2,5 см бўлиши.

7. Ариза берувчининг имзолари барча мажбурий формаларда аниқ кўрсатилган жойга кўйилганлиги.

Ариза топширишнинг охириги муддатлари

Аризалар қабул қилинган кундан бошлаб кўриб чиқилиши мумкин. Танлов комиссияси таклифлар белгиланган муддатдан кейин 30 кун ичида кўриб чиқилишини эслатиб ўтади. **Эрта такдим этилган аризалар кўриб чиқилиши эҳтимоли юқорироқ бўлиб, молиялаштиришда устуворлик берилади, шу сабабли имкон қадар тезроқ мурожаат қилиш сўралади.**

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими йил давомида таклифларни қабул қилади ва қуйидаги жадвалга мувофиқ таклифларни кўриб чиқади:

- Биринчи муддат: 2022 йил 15 май.
- Иккинчи муддат: 2022 йил 15 июль * 2022 йил 15 июлдан кейин қабул қилинган аризалар кўриб чиқилмайди.

Ариза бериш жараёни: Ариза берувчилар учун иккита ариза бериш усули мавжуд. Ариза берувчилар қуйида тавсифланган “А” усули ёки “Б” усулидан фойдаланган ҳолда ариза топширишлари мумкин.

- **Топширишнинг «А» усули:** барча сўровнома материалларини тўғридан-тўғри қуйидаги электрон почта манзилига юбориш: Tashkent-Program@state.gov. Tashkent-Program@state.gov электрон почта манзилига мурожаат қилишни танлаган ариза топширувчилар электрон почтанинг мавзусига молиялаштириш имконияти номини ва молиялаштириш имконияти рақамини киритишлари зарур.
- **Топширишнинг «Б» усули:** [Grants.gov](https://www.grants.gov) орқали барча ариза материалларини топшириш. [Grants.gov](https://www.grants.gov) орқали ариза беришни танлаганлар учун ариза бериш жараёни бўйича батафсил кўрсатмалар <http://www.grants.gov> сайтида мавжуд. Бу сайт билан боғлиқ саволлар учун 1-800-518-4726 рақамига [Grants.gov](https://www.grants.gov) билан боғланиш марказига қўнғироқ қилинг ёки <https://www.grants.gov/support.html> сайтига ташриф буюринг. Илтимос, Tashkent-Program@state.gov [Grants.gov](https://www.grants.gov) да ариза берувчилар дуч келадиган техник саволлар ёки муаммолар бўйича ёрдам бера олмаслигини ёдда тутиш.

Рўйхатдан ўтиш талаблари

[Grants.gov](https://www.grants.gov)-дан фойдаланадиган аризачилар ариза топширишдан олдин [Grants.gov](https://www.grants.gov) сайтида рўйхатдан ўтишлари зарур. **[Grants.gov](https://www.grants.gov) сайтида рўйхатдан ўтиш бир марталик жараёндир; аммо рўйхатга олиш тасдиқланиши учун икки ҳафтагача вақт кетиши мумкин. Ариза топшириш муддатидан аввалроқ жараён тугалланганига ишонч ҳосил қилиш учун дарҳол рўйхатдан ўтишни сўраймиз.** Бу жараён тугамагунча сизга [Grants.gov](https://www.grants.gov) сайти учун фойдаланувчи пароли берилмайди, у эса ариза бериш учун талаб қилинади.

Грантларни бошқариш тизимидаги (SAM) Чекланган томонлар рўйхати тизими (EPLS) рўйхатига киритилган ҳар қандай аризачи 12549 (3 CFR, 1986) ижроия фармойишларини амалга оширадиган 2 CFR 180 да ОМВ кўрсатмаларига мувофиқ ёрдам сўраш ҳуқуқига

эга эмас (12689 (3 CFR, 1989 Сomp., 235-бет), «Тўхтатиб туриш ва бекор қилиш»). Бундан ташқари, EPLS рўйхатига киритилган ҳеч бир ташкилот грант доирасидаги ҳар қандай фаолиятда иштирок эта олмайди. Барча талабнома берувчиларга EPLSни SAMда кўриб чиқиш тавсия этилиб, бу ерда номақбул ташкилотлар киритилмаганлигига ишонч ҳосил қилишлари талаб этилади.

Грант олиш учун ариза топширган барча ташкилотлар (жисмоний шахслардан ташқари) рўйхатдан ўтишлари зарур. Тизимда рўйхатдан ўтиш бепул:

SAM.gov дан ягона юридик шахс идентификатори

- Код NCAGE/CAGE

www.SAM.gov да рўйхатдан ўтиш

Рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги амалларни бажаринг:

1-босқич: NCAGE сўровномаси: илова саҳифаси шу ерда (лекин сиз катталаштирувчи ойнани босишингиз ва кейин янги рўйхатдан ўтишни босиш учун пастга тушишингиз зарур): <https://eportal.nspa.nato.int/AC135Public/scage/CageList.aspx>.

- NCAGE сўровномани тўлдириш бўйича кўрсатмалар:
<https://eportal.nspa.nato.int/AC135Public/Docs/US%20Instructions%20for%20NSPA%20NCAGE.pdf>.
 - АҚШдан ёрдам олиш учун 1-888-227-2423 рақамига қўнғироқ қилинг
 - АҚШдан ташқарида ёрдам олиш учун 1-269-961-7766 рақамига қўнғироқ қилинг
- NCAGE кодини олишда муаммога дуч келсангиз, NCAGE@dliis.dla.mil электрон почта манзилидан фойдаланинг. NCAGE кодини олгандан сўнг, қуйидаги манзилга кириш орқали SAM дан рўйхатдан ўтинг: <https://www.sam.gov/>

2-босқич: DUNS ва NCAGE рақамларингизни олганингиздан сўнг, www.SAM.gov сайтида рўйхатдан ўтинг

3-босқич: SAM рўйхати тасдиқлангандан сўнг,

<http://www.grants.gov/web/grants/applicants/organization-registration.html> манзилида Grants.gov ташкилотини рўйхатдан ўтказиш саҳифасига ўтинг. Ташкилотлар амалдаги федерал грантга эга бўлган ёки Федерал грантлар тақсимловчи идораси томонидан кўриб чиқиляётган бутун давр учун жорий маълумотлар билан SAM рўйхатини (www.SAM.gov) кузатиб туришлари зарур. SAM рўйхати ҳар йили янгиланиши шарт.

Ариза берувчилар Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон Республикасида барча талаб қилинадиган рўйхатдан ўтиш ва тегишли ҳуқуқларни олишлари керак. АҚШ ва Ўзбекистон Республикасида барча фикрлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўлиқ ҳурмат қилиниши шарт.

Ҳар қандай суб-ресипиент ташкилот ҳам АҚШ ва Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги барча талабларига жавоб бериши шарт.

Тақдим этилган матндаги махсус белгилар

Grants.gov бириктирилган файл номларидаги барча UTF-8 махсус белгиларини қабул қилмайди. Ариза берувчилар Grants.gov сайтида ариза ва маълумотларни юборишда UTF-8 белгилар тўпламидаги барча махсус белгиларни киритишлари мумкин. Бироқ, агар грант берувчининг тизими ушбу махсус белгилар билан ҳали мос келмаса, грант берувчининг тизими аризада тушунарсиз матнни акс эттириши мумкин. Натижада, ариза рад этилиши мумкин.

Е. Ариза топшириш учун техник талаблар

Ариза-таклифни топширишда ариза берувчилар қуйидаги 1-5-бандларда тавсифланган ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилишлари зарур (агар керак бўлса):

1-бўлим — 424-сонли «Оила» стандарт шакли

Барча тақдимномалар SF-424 Федерал ёрдам учун ариза (1-илова) ва SF-424А қурилиш бўлмаган дастурлар учун бюджет маълумотларини ўз ичига олиши шарт (2-илова). Ушбу шакллар ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар

<http://www.grants.gov/web/grants/forms.html> сайтида " SF-424 Оила" сарлавҳаси остида мавжуд.

ЭСЛАТМА: SF-424В фақат 2019 йил 2 февраль ёки ундан кейин SAM.gov да рўйхатдан ўтмаган ёки SAM.gov да рўйхатдан ўтганлигини қайта тасдиқламаган ҳамда онлайн кафолат ва сертификатларни тўлдирган ариза топширувчилар учун талаб қилинади. Ушбу шакл талабнома берувчи томонидан имзоланиши зарур.

Қуйидаги шартларга эътибор беринг:

1. Тақдим этиш учун мажбурий/талаб қилинмаган, аммо аризангиз молиялаштириш учун маъқулланган тақдирда сўралиши мумкин бўлган бошқа ҳужжатлар қуйидаги тартибда топширилади.:
 - a. Ташкилот ёки дастурнинг охириги икки (2) йилдаги аудитлари нусхалари
 - b. Тегишли кадрлар, молиявий ва харидлар сиёсатининг нусхалари
 - c. Департаментга ташкилотингизнинг хориждаги федерал грантни бошқариш қобилятини аниқлашга ёрдам берадиган бошқа тегишли ташкилот сиёсати ёки ҳужжатларининг нусхалари.
2. Элчихона таклиф бўйича ҳар қандай қўшимча дастурий ва/ёки молиявий маълумотларни сўраш ҳукуқини ўзида сақлаб қолади.

2-бўлим - Ташкилот ҳақида маълумот

1. **А. Ариза берувчи ташкилотнинг маълумотлар варағи:** Ариза берувчилар тақдим этилган шаклни тўлдиришлари ва топширишлари талаб этилади (3-илова). Ушбу шакл аризачи томонидан имзоланиши шарт.
2. **Рўйхатдан ўтишни тасдиқлаш:** Ташкилотни рўйхатдан ўтказиш нусхаси ариза-таклиф билан бирга тақдим этилиши лозим. Америка Қўшма Штатларида жойлашган ташкилотлар ўзларининг IRS (АҚШнинг Ички даромад хизмати)

аниқлаш хатининг нусхасини топширишлари шарт. Ўзбекистон Республикасида жойлашган ташкилотлар тегишли давлат идорасидан рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этишлари шарт.

3-бўлим - Техник таклиф

Ариза берувчилар ўзлари танлаган форматда тўлиқ тавсифловчи таклифни тақдим этишлари ёки илова қилинган таклиф андозасидан фойдаланишлари мумкин (4-илова). Таклиф ўн икки (12) саҳифадан ошмаслиги керак. Кучли асослар билан таклифни қандай ёзиш ҳақида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги «Г» бўлимидаги баҳолаш мезонларига қаранг. Барча таклифлар қуйидаги компонентларни қамраб олиши шарт:

- Ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари. Унинг салоҳияти
- Лойиҳани асослаш. Лойиҳанинг барқарорлиги ва таъсири
- Лойиҳанинг мақсадлари, аудиторияси, вазифалари, фаолияти ва натижалари
- Амалга ошириш муддати
- Мониторинг ва баҳолаш (қуйидаги эслатмага қаранг)

Мониторинг ва баҳолаш

Самарадорликни мониторинг қилиш режаси (СМҚР): Таклифлар самарадорлигини мониторинг қилиш бўйича Мониторинг ва баҳолаш (М&Е) режаси лойиҳасини (СМҚР) ўз ичига олиши керак. Тақдим этилган СМҚР шаблонидан (5-илова) фойдаланиб, ариза берувчилар грант фаолиятини қандай кузатиш ва баҳолаш ва грант самарадорлигини кузатиш учун маълумотларни йиғиш ниятида эканликларини тасвирлашлари зарур. СМҚР, шунингдек, лойиҳа доирасида амалга оширилган тадбирлар кутилган натижаларга қандай олиб келишини кўрсатиш учун «Агар-У ҳолда» кўрсатмаларини ўз ичига олиши керак.

4-бўлим - Бюджет

А. Бюджет ва бюджет тафсилотлари: Ариза берувчилар батафсил бюджет асослари ва бюджет баёнини тақдим этишлари зарур. Ариза берувчиларга молиялаштириш имконияти тақдим этилган шаблондан фойдаланиш тавсия этилади, лекин бу талаб қилинмайди (4-илова). Тартибга солинган харажатлар имкон қадар батафсил кўрсатилиши шарт. Ходимларнинг иш ҳақи иш ҳажмини ва ҳар бир ходимнинг грант фаолиятига ажратадиган вақт фоизини ўз ичига олган иш ҳақи ставкаларини ҳисобга олиши зарур. Агар ташкилотингиз билвосита харажат ставкасини ундирса, уни Ўзгартирилган умумий бюджет харажатларига (MTDC) қўллашингиз зарур, 2CFR§200.68. га қаранг. Тақдим этилган форматга жавоб бермайдиган бюджетлар кўриб чиқилмайди. **Бюджетлар АҚШ долларарида тақдим этилади ҳамда якуний грант келишувлари АҚШ долларарида тузилади.**

В. Аудитга қўйиладиган талаблар: Илтимос, Давлат департаментининг Грантлар учун стандарт шартлари ва талабларидаги аудит талабларига қаранг <https://www.state.gov/m/a/ope/index.htm> and 2CFR200 ва 2CFR200, параграфлар. «F» - Аудитга қўйиладиган талаблар. Керакли аудит харажатлари грант учун бевосита харажатлар сифатида олиниши ёки ташкилотнинг аниқланган билвосита харажатларига мукофот доирасида батафсил бюджетга киритилиши мумкин.

С. Виза тўловлари: Агар керак бўлса, барча виза аризалари ва тегишли тўловларни бюджетингизга киритинг. Эътибор беринг, молиялаштиришдан кейинги дастурлар учун DS-2019 шакллари бевосита грант олувчи томонидан топширилиши зарур. Агар дастурингиз DS-2019 визаси жараёнини ўз ичига олишини кутсангиз, ташкилотингиз рўйхатдан ўтган ҳомий ташкилот бўлиши керак. Қўшимча маълумот олиш учун: <https://j1visa.state.gov/sponsors/become-a-sponsor/>

5-бўлим - Асосий ходимлар ва лойиҳа ҳамкорлари

А. Асосий ходимлар: Лойиҳа директори ва молия бўйича мутахассис, шунингдек маърузачилар ёки тренерлар (агар керак бўлса) каби тавсия этилган асосий ходимларга бир саҳифадан кўп бўлмаган резюме тақдим этилиши шарт. Агар бирон бир лавозимга номзод ҳали аниқланмаган бўлса, у ҳолда резюме ўрнига аризачи ушбу лавозим учун зарур бўлган малака ва кўникмалар кўрсатилган 1 бетлик иш тавсифини топшириши мумкин.

В. Лойиҳа ҳамкорлари: Қўллаб-қувватлаш хатлари суб-реципиентларга ёки бошқа шерикларга топширилиши лозим. Мақтубларда муносабатлар тури (расмий ёки норасмий), ҳар бир шерикнинг таклиф этилаётган лойиҳа фаолияти билан боғлиқ роли ва масъулияти ҳамда ҳамкорликнинг кутилаётган натижаси кўрсатилиши талаб этилади. Ҳар бир хатнинг ҳажми 1 саҳифадан ошмаслиги керак.

Ғ. Аризаларни кўриб чиқиш ва танлаш жараёни

1. Таклиф қабул қилинганлигини тасдиқлаш. Ариза берувчилар таклифлари қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома оладилар.

2. Кўриб чиқиш. Барча тақдим этилган ҳужжатларнинг техник жиҳатдан мувофиқлиги текширилади. **Тақдим этилган ҳужжатда керакли шакллар/ҳужжатлардан бирортаси йўқ бўлса, у тўлиқ эмас деб ҳисобланади ва грантни кўриб чиқиш комиссияси томонидан рад этилади.** Техник баҳолаш гуруҳи ушбу NOFOда кўрсатилган мезонлар асосида таклифни кўриб чиқади.

3. Кейинги билдиришнома. Ариза берувчилар одатда аризани кўриб чиқиш комиссияси қарори тўғрисида NOFO охириги муддатидан кейин 45 кун ичида хабарнома оладилар.

Г. Аризаларни баҳолаш мезонлари

Мезонлар: Ушбу эълон остида тақдим этилган ҳар бир ариза қуйида келтирилган мезонлар асосида баҳоланади. Мезонлар таклиф этилаётган лойиҳанинг сифатини баҳолаш ва унинг муваффақияти эҳтимолини аниқлаш учун мўлжалланган.

- **Дастур ғоясининг сифати ва амалга оширилиши - 25 балл:** Дастур ғояси инновацион ва яхши ишлаб чиқилган, лойиҳа фаолияти қандай амалга оширилиши ҳақида етарлича батафсил маълумотга эга бўлиши шарт. Таклифлар ўзига хослигини кўрсатиши ва аниқ, эришиш имконли бўлган мақсадларни белгилаши керак. Таклиф амалга ошириш учун мақбул муддатни назарда тутати. Лойиҳанинг кўлами мос ва яхши белгиланган бўлиши талаб этилади.

- **Ташкилий салоҳият ва аввалги грантларни ҳисобга олиш - 5 балл:**
 - Лойиҳа таклифида ташкилот лойиҳани амалга ошириш учун етарли тажриба, кўникма ва инсон ресурсларига эга эканлигини кўрсатади.
 - Ташкилот лойиҳа томонидан кўриб чиқиладиган асосий муаммони аниқ тушунганлигини намойиш этади.
 - Ташкилот муваффақиятли режалаштириш ва масъулиятли молиявий бошқарув қобилиятини, хусусан, молиявий менежмент тизимида ва банк ҳисобини намойиш этади.
 - Илгари грант маблағларини олган абитуриентлар амалдаги меъёр ва қоидаларга амал қилганлар.
 - Ҳамкорларни тавсифлашда, аризачи ҳар бир шерикнинг тегишли ролини батафсил тавсифлайди ва лойиҳа ва молиявий бошқарув учун масъул бўлганлар учун ўқув режасини (CV) тақдим этади. Таклиф этилаётган ходимлар, институционал ресурслар ва ҳамкорлар муносиб ва мақбул кўринади
- **Лойиҳани режалаштириш/Мақсадга эришиш қобилияти - 25 балл:** Лойиҳа режаси яхши ишлаб чиқилган бўлиб, тадбирлар қандай амалга оширилиши ҳақида батафсил маълумот келтирилган. Таклиф мақсадли аудиторияни, иштирокчилар тўпламини ва лойиҳанинг географик ҳудудларини кўрсатади. Таклифда аниқ, эришиш мумкин бўлган мақсадлар кўрсатилган. Таклиф амалга ошириш учун мақбул муддатни назарда тутаяди. Лойиҳанинг кўлами мос ва яхши белгиланган кўринади.
 - Ташкилот ижтимоий медиа ва анъанавий оммавий ахборот воситаларидан қандай фойдаланиши ёки лойиҳа фаолияти ҳақида маълумот оладиган одамлар сонини (асосий манфаатдор томонлардан ташқари) кўпайтиришни кўрсатадиган кенгайтирилган оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш режаси (агар керак бўлса).
- **Бюджет – 20 балл:** Бюджет ва унинг тавсифий асослари етарли даражада батафсил тузилади. Бюджет ташкилотнинг тахминий ҳисоб-китобларни тақдим этишдан кўра, лойиҳа билан боғлиқ харажатларни тўғри аниқлаш учун вақт сарфлаганлигини кўрсатади. Харажатлар режалаштирилган тадбирлар ва кутилаётган натижаларга нисбатан оқилона кўринади. Натижалар ва яқунлар лойиҳанинг умумий қийматини оқлайди. Бюджет тафсилотлари оқилона, мақбул ва тақсимланиш учун мос кўринади.
- **Мониторинг ва баҳолаш - 10 балл:** Ариза берувчи асосий кўрсаткичлар бўйича дастурнинг муваффақиятини ўлчашга қодирлигини кўрсатади ва таклифда белгиланган мақсадларга эришишни кўрсатиш учун муҳим босқичларни аниқлайди. Ташкилот аниқ миқдорий ва сифат бўйича баҳолаш воситаларидан фойдаланган ҳолда лойиҳанинг бутун муддати давомида ўз фаолиятини қандай баҳолаши ва ўлчашини аниқ ифодалаб беради.
 - Тўғридан-тўғри мониторинг ва баҳолаш билан боғлиқ харажатлар мақбул деб ҳисобланади. Таклиф этилаётган шаблонда жами бюджетнинг мониторинг ва баҳолаш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қисмини рўйхатга олиш учун жой ажратилган.

- **Барқарорлик - 15 балл:** Лойиҳа таклифи лойиҳа фаолияти тугагандан сўнг барқарорликни ёки лойиҳа мақсадларига эришишни максимал даражада ошириш учун қўлланиладиган ёндашувни аниқ тасвирлаб беради.

Н. Федерал грант ҳақида билдиришномалар

Грант ёки ҳамкорлик шартномаси лойиҳаси Грантлар бўйича мутахассис томонидан тузилади, имзоланади, топширилади ва бошқарилади. Грант шартномаси рухсат берувчи ҳужжат бўлиб, кўриб чиқиш ва имзолаш учун грант олувчига электрон почта орқали юборилади. Грант олувчи лойиҳа учун харажатларни фақат грантлар бўйича ходим томонидан имзоланган грант мукофоти ҳужжатида кўрсатилган бошланиш санасидан бошлаб амалга оширилиши мумкин.

Агар бирон-бир таклиф молиялаштириш учун танланса, Давлат департаментидан келажакда қўшимча маблағ ажратиш талаб этилмайди. Лойиҳани молиялаштиришни ошириш ёки муддатини узайтириш учун грант мукофотини янгилаш Давлат департаментининг ихтиёрида.

Федерал ҳукумат эълон асосида федерал грантни тақдим этиш мажбуриятига эга эмас. Молиявий имконият тўғрисидаги ушбу баёнотни эълон қилиниши АҚШ ҳукуматининг Грантлар тақдим этиш мажбуриятини акс эттирмайди ва АҚШ ҳукумати тақлифларни тайёрлаш ва юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини юкламайди. Бундан ташқари, АҚШ ҳукумати қабул қилинган ҳар қандай ёки барча тақлифларни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. АҚШ ҳукумати, шунингдек, белгиланган чекловлардан ортиқ грантлар бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Маъмурий ва миллий сиёсатга қўйиладиган талаблар

Шартлар ва қоидалар: Ариза топширишдан аввал, талабнома берувчилар барча шартлар ва қоидалар, шунингдек, грант мукофоти учун талаб қилинадиган сертификатларни, уларнинг мувофиқлигини текширишлари талаб этилади. Уларга: [2 CFR 25](#), [2 CFR 170](#), [2 CFR 175](#), [2 CFR 182](#), [2 CFR 183](#), [2 CFR 200](#), [2 CFR 600](#), Давлат департаменти Сертификатлаш ва қафолатлар ҳамда стандарт қоидалари ва шартлари кириб, буларнинг барчаси қуйидаги электрон манзилда мавжуд: <https://www.state.gov/m/a/ope/index.htm>

CFR 200-қисмида кўрсатилган Бошқарув ва бюджет департаментининг кўрсатмалари, барча амалдаги федерал қонунлар ва тегишли ижроия буйруқларига мувофиқ, Давлат департаменти ушбу молиялаштириш имкониятлари тўғрисидаги билдиришномага кўра, дастурга оид молиялаштириш аризаларини қуйидаги қоидаларга мувофиқ кўриб чиқади ва эътиборга олади: ЭСЛАТМА:

- o Президент меморандуми, 2020 йил 2 сентябрь, “Америка шаҳарларида анархия, зўравонлик ва вайронагарчиликка йўл қўядиган федерал маблағларни олувчи штат ва маҳаллий ҳукуматларни молиялаштиришни таҳлил қилиш бўйича меморандум”;
- o *Америка ёдгорликлари, мемориаллари ва ҳайкалларини ҳимоя қилиш ва яқинда содир бўлган жиноий зўравонликка қарши кураш тўғрисидаги ижро қарори (Е.О. 13933); ва*

- o [Федерал қоидалар кодексининг 2-бандидаги грантлар ва келишувлар бўйича кўрсатмалар](#) (2 CFR) 2020 йил 13 августдаги 85 FR 49506 Федерал реестрида янгиланган, хусусан:
- o Федерал грантлар учун аризаларни объектив баҳолаш жараёни орқали дастур мақсадларига мос келадиган натижаларга эришиш мумкин бўлган олувчиларни танлаш (2 CFR 200.205),
- o 2019 йилдаги Миллий муҳофаа қонунининг 889-моддасига мувофиқ айрим телекоммуникация ва видеокузатув хизматлари ёки ускуналарини сотиб олишни тақиқлаш (Pub. L. No. 115-232) (2 CFR 200.216),
- o Сўз ва дин эркинлигини тарғиб қилиш тўғрисидаги қонун (ЭО 13798) доирасида сўз ва дин эркинлигини тарғиб қилиш ҳамда коллеж ва университетларда эркин тергов, ошкоралик ва жавобгарликни яхшилаш (ЕО 13864) (2 CFR 200.300, 200.303, 200.339 и 200.341),
- o Қўшма Штатларда ишлаб чиқарилган товарлар, маҳсулотлар ва материаллардан максимал даражада фойдаланиш учун қонун томонидан рухсат этилган даражада устунликни таъминлаш (2 CFR 200.322), ва
- o Агар грант агентликнинг дастурий мақсадлари ёки устуворликларига мос келмаса, шартномаларни тўлиқ ёки қисман, қонун томонидан рухсат этилган максимал даражада бекор қилиш (2 CFR 200.340).

Ҳисобот

Грант олувчилар ҳар чоракда лойиҳанинг амалга оширилиши ҳақида ҳисобот ва молиявий ҳисоботларни тақдим этишлари шарт. Дастурнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий ҳисоботлар ҳисобот давридан кейин 30 кун ичида тақдим этилади. Якуний тасдиқланган дастурий ва молиявий ҳисоботлар лойиҳа муддати тугаганидан кейин 120 кун ўтгач топширилиши лозим.

Барча ҳисоботлар электрон шаклда топширилиши шарт.

Юқори хавфли шахслар деб ҳисобланган грант олувчилардан «юқори хавфли» деган белги олиб ташланмагунча батафсилроқ ва доимий ҳисоботларни тақдим этиш талаб қилиниши мумкин.

Грант олувчидан ҳар йили Элчихонага SF428 шаклидан фойдаланган ҳолда USG томонидан тақдим этилган барча жиҳозлар инвентаризация ҳисоботини тақдим этилиши ҳам талаб этилади.

I. Қўшимча маълумот

Бюджетни асослаш бўйича қўлланма

Ходимлар учун қўшимча имтиёзлар: Ариза берувчининг лойиҳасида бевосита ишлайдиган вақтинчалик ёки доимий ходимларнинг иш ҳақи, тўловлар ва имтиёзларини, шунингдек, лойиҳага сарфланадиган вақт улушини (фоизларда) кўрсатинг.

Хизмат сафари харажатлари: Дастур ходимлари, маслаҳатчилар ва маърузачилар ҳамда иштирокчилар/бенефициарлар учун ушбу лойиҳа учун хизмат сафари ва кунлик

харажатларни ҳисоблаб чиқинг. Агар лойиҳа халқаро хизмат сафарини назарда тутса, бундай сафар учун қисқача асос келтиринг.

Ускуналар учун харажатлар: Фойдаланиш муддати бир йилдан ортиқ (ёки лойиҳадан кўра кўпроқ) ва ҳар бир маҳсулот учун камида 5000 доллар турадиган лойиҳа учун зарур бўлган ҳар қандай жиҳоз, мебель ёки бошқа шахсий мулкни тавсифланг.

Зарурий материаллар: Лойиҳа учун зарур бўлган барча объектлар ва материалларни, шу жумладан ҳар қандай компьютер қурилмаларини санаб ўтинг ва тавсифланг. Агар буюмнинг нархи 5000 доллардан ошса, уни «Ускуналар» бўлимидаги сметага киритинг.

Шартнома бўйича харажатлар: талабнома берувчи етказиб берувчи билан тузилган шартнома асосида сотиб олишни режалаштираётган товар ва хизматларни тавсифлаш. Шунингдек, лойиҳа фаолиятини амалга оширишга ёрдам берадиган нотижорат ҳамкорларга бериладиган ҳар қандай суб-мукофотларни тавсифланг.

Бошқа бевосита харажатлар: бошқа тоифаларга тўғри келмайдиган тўғридан-тўғри лойиҳа билан боғлиқ бошқа харажатларни тавсифлаш. Масалан, юк ташиш материаллари ва ускуналари нархи, амалдаги солиқлар. Барча «бошқа» ёки «турли» харажатлар батафсил тавсифланиши ва тушунтирилиши зарур.

Билвосита харажатлар: Булар лойиҳа фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар, масалан, ташкилотнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган умумий харажатлар. Агар ташкилотнингизда билвосита харажатлар ставкаси бўйича келишув (NICRA) бўлса ва бюджетга NICRA тўловлари киритилган бўлса, илтимос, энг охириги NICRA нухасини илова қилинг. Ҳеч қачон NICRAга эга бўлмаган ташкилотлар 2 CFR 200.68 да белгиланганидек, ўзгартирилган умумий тўғридан-тўғри харажатларнинг 10% миқдорида билвосита харажатларни талаб қилишлари мумкин.

“Харажатларни тақсимлаш” АҚШ элчихонасидан бошқа ташкилот ёки юридик шахснинг ҳиссаларини аниқлаш. Шунингдек, у қўнғиллилар вақти ва хайрия объектлари каби натура шаклидаги тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Брендингга қўйиладиган талаблар

Грант мукофотини олиш шарти сифатида, мукофотга мувофиқ ишлаб чиқарилган барча материаллар, шу жумладан ўқув материаллари, оловчилар учун материаллар ёки бирон бир шартнома бўйича дастур, тадбир, лойиҳа ёки бошқа фаолиятни хорижий аудиторияга тарқатиш ёки тарғиб қилиш учун материаллар, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) тадбирларга таклифномалар, матбуот материаллари ва ахборот осма баннерлар ва бошқалар ҳар қандай бошқа логотип ёки идентификация белгисига тенг (ёки ундан катгароқ) ўлчам ва қийматдаги стандарт АҚШ тўртбурчак байроғи билан тегишли тарзда белгиланган бўлиши шарт. Эслатма: Брендлашда истисноларга маълум шароитларда руҳсат берилади. Агар ариза берувчига уларнинг аризаси молиялаштириш учун танланганлиги ҳақида хабар берилса, грантлар бўйича мутахассис талабнома берувчи билан маслаҳатлашган ҳолда ушбу имтиёз қўлланиладими ёки йўқлигини аниқлайди.

Муаллифлик ҳуқуқи ва шахсий маълумотлар

Агар аризангиздаги бирон бир маълумот шахсий бўлса, илтимос, тегишли саҳифаларнинг пастки қисмида маълумотлар махфий-шахсий эканлигини кўрсатинг. Ариза берувчилар, шунингдек, илованинг, дастурнинг, концепциянинг ва бошқаларнинг бир қисми муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиси ёки бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан ҳимояланганлигини ҳисобга олишлари ҳамда ушбу муаллифлик ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этишлари шарт.